Омонатлар туфайли сизлар маблағингизни кўпайтириб Ватанга жўнатишинггиз мумкин бўлади;

Меҳнат мухожирлари учун Ўзаро ёрдам Кассасида омонатлар бўйича энг фойдали фоиздаги даромадлар мавжуд;

Бу ерда кредит олиш жуда ҳам оддий ва осон, шунинг боис ўзингизни режаларингизни орқага суришингиз ва маошгача кутиб ўтиришингизни ҳожати йўқ.

Ўзаро ёрдам Кассаси қаерда жойлашган?

Касса “Тошкент” озиқ - овқат магазинида жойлашган. Магазин манзили: Санкт-Петербург, «Ломоносовская» метро бекати, Седова кўчаси, 89 уй. Метродан № 118 сонли ёки К5 сонли маршруткаларда «Бульвар Красных Зорь» бекатигача бориш лозим. Ёки метродан магазингача 20 дақиқада пиёда юриб борса бўлади. Магазин телефонлари: 362-08-87.

Мухожирлар ва уларни оилалари учун ўзаро ёрдам Кассалари, бу ерга жамғармангизни қўйиб, йилига 18 % фоиз қўшимча даромад олишингиз мумкин. Қолаверса, кредит ҳам берилади.

Центр вложений и кредитования Семейный Капитал

Петербург билан танишув

Нима учун кўчалар бундай номланган?

Бу саҳифамизда биз азиз муштарийларимизни Шимолий Пальмирани ғаройиб гўзалликлари ва диққатга сазовор жойлари билан таништириб ўтамиз. Бугунги саҳифамизда кўчалар, проспектлар, канал ва кўприкларни номланиши ва улардаги яширинган қадимий сир-асрорларни ўрганиб чиқамиз. Бу таъкидлаб ўтадиган жойларимиз, аллақачон, адабиёт асарлари, қўшиқлар ва шеърлардаги бош қаҳрамонларга айланиб улгурган. Дворцовой (Сарой) майдонини ва Инженерлик кўчасини рус адабиётининг классик китобларида учратишимиз мумкин, бизни замонамизда эса, Петербург кўчалари кинофильмларни суратга тушириш учун тез-тез суратга олинадиган майдонга айланаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Аввалида, 1710-1720 йилларда Петербург кўчалари бирор номга эга бўлмаган. Бирор кишини яшаш жойини кўрсатиш учун, ўша вақтлари шу жойларни алоҳида белгиларини таърифлаб бериш лозим эди. Баъзи бир магистрал кўчаларни расмий номланиши, илк бор, 1738 йилнинг 20 апрелида тасдиқланган. Шаҳар аҳолиси бу кўчаларга ўзлари у ёки бу номларни берганлар. Қадимда кўплаб кўчалар ҳукмрон подшоларнинг шарафига бағишланиб аталган.

Кўчаларни номланишидаги янги босқич 1917 йилдаги октябрь инқилобидан сўнг бошланган. Инқилоб даври бу кўчаларга янги хаёт бағишлаб, инқилобий сермазмун бўлган янги номлар берилишига олиб келган. Совет ҳукумати ўрнатилганидан кўплаб номланишлар дарак бериб туради. Уларнинг ичидан: “Обуховской обороны” проспекти, “площадь Восстания”, “Набережная Красного Флота” ва бошқа шу кабиларни мисол тариқасида келтириб ўтсак бўлади. Нева дарёси ёқасидаги шаҳарнинг номланиши билан инқилоб етакчиси В.И. Ленин ва унинг сафдошларини исмлари билан узвий боғлиқдир. 1924 йили Петроградга Ленинград номи берилиши тўғрисидаги Қарор қабул қилинган. Шаҳарнинг кўплаб кўчалари ва майдонлари Дзержинский, Свердлов, Киров ва бошқа шахслар шарафига номланган. Шу билан биргаликда Шимолий пойтахтда Ломоносов ва Радищев, Пушкин ва Грибоедов, Белинский ва Некрасов, Чернышевский ва Добролюбов, Глинка ва Чайковский каби етук инсонлар яшаб ижод этганлар. Кўчаларнинг номлари айнан уларнинг исмлари шарафига ва бошқа замонасининг етук олимлари, ёзувчилари ва рассомларини исмлари билан номланган.

Бундан ташқари, кўплаб кўчаларнинг номлари Улуғ Ватан Уруши даврида шаҳар мудофааси учун мардонавор кураш олиб борган ҳимоячиларнинг хотираларини ўзида мужассам этиб турибди. Немис фашистлари устидан ғалаба қозониш учун ўз хаётларини қурбон қилган генераллар Галстян ва Зайцев, учувчилар Савушкин ва Севастьянов, пулеметчиклар Типанов ва Ушковларнинг исмлари ва бошқа қаҳрамонларнинг исмлари шаҳар тарихига абадий киритилган. Ленинградда кўчалар ва майдонларни номланишида бу шаҳарни уч инқилоб шаҳри, денгиз ифтихори шаҳри, илм-фан ва маданият шаҳри, техник равнақ топган, ҳамда Улуғ Ватан уруши даврида қаҳрамонларча мудофаа олиб борган шаҳар сифатида таърифловчи тарихий номлардан қўлланилган. 1993 йили Ленинград шаҳри қайта номланиб, Санкт-Петербург номи берилади. Бу вақт мобайнида кўплаб кўчалар ҳам ўз номини ўзгартирган.

“Александр Невский” майдони

Элга танилган давлат арбоби ва саркарда, новгородлик князь, 1252 йилда, владимирлик князь Александр Ярославич (1220-1263) чет эл босқинчилари устидан ғалаба қозонади. 1240 йили 15 июлда князнинг кўнгилли дружиналари ва новгород халқ лашкарлари Невада, унга Ижора дарёсини қуйилиши яқинида шведлар қўшинини тор-мор этадилар. Князь Александр шунда Невский лақабини олади. 1242 йилнинг апрель ойида Александр Невский Чуд кўли қирғоқларида Ливон ордени немис рицари билан бўлган қонли жангда жасурона ғалаба қозониб, бу ғалаба билан у немис қўшинларини шарққа қилаётган ҳаракатларини тўхтатиб қолади ва бу билан у Рус ерларининг шимоли-ғарбий қисмларида узоқ муддат хавфсизликни таъминлайди. Бу ғалабалар шарафига бағишлаб Петр I Петербургда Александр Невский монастирини (кейинчалик Александр Невский лавраси) бунёд қилдиради. 1952 йилда саркарда Александр Невский шарафига бағишланиб, Невский проспектини якунидаги майдон унинг номи берилади. Шаҳарда Александр Невский исми билан Нева орқали ўтган кўча ва кўприк аталган.

Апраксин тор кўчаси

Апраксин тор кўчаси Садовой кўчасидан то Фонтанка дарёси қирғоқларигача чўзилган. XVIII асрда бўш ётган ўрмон худудида Атоқсиз жой (Фонтанка дарёси) ва Кривушам (Грибоедова канали) оралиғида Петр I нинг яқин одами томонидан асос солинган. Бу тор кўча Петр I нинг сафдоши генарал-адмирал граф Федор Матвеевич Апраксинни номи билан атала бошлаган.

“Балтийский” вокзал майдони

Бу майдон 1857 йилда бунёд этилган Балтийский вокзали биноси қаршисида жойлашган. Шу йилнинг ўзида темир йўл ҳам очилади. Бу темир йўл изи Петергофдаги Александр сайлгоҳи орқа томонидан якунланар эди, шу боис бу вокзал Петергоф вокзали деб ном олган. 1872 йилда темир йўл тармоғини Балтикадаги энг йирик порт–Ревелгача (ҳозирги Таллин) қурилганидан сўнг, Петергофдаги темир йўл тармоғи бу из билан бирлаштирилади. Шу тариқа темир йўл магистрали ва вокзални ўзи ҳам Балтика (Балтийский) деб атала бошлаган.

Василеостровский (Васильев ороли) даги “Большой проспект”

Большой проспекти- бу Васильев оролидаги энг асосий магистрал кўча ҳисобланади. Бу проспект XVIII асрнинг бошларида князь Меньшиковнинг қароргоҳидан тортиб то денгиз бўйигача қилинган катта сўқмоғи ўрнида пайдо бўлган. Ўша вақтларда ҳам бу кўчани шундай, яъни Большой перспектива (1806 йилдан бошлаб Большой проспект) деб атаганлар. Большой проспект 1-чи линиядан бошланиб, то Наличная кўчасигача боради.

“Владимирский” майдони

Владимир майдони Загородной ва Владимир проспектлари ўртасида жойлашган. Майдонда “Владимирская” метро бекати жойлашган. 1747 йили бу ерда ёғочдан унча катта бўлмаган Владимир муқаддас она черкови барпо қилинган. Кейинчалик 1761-1769 йилларда уни ўрнида тошли черков бунёд этилади, унинг номланиши ҳам шундай келиб чиқган. Владимир майдони билан ундан бошланиб кетадиган Владимир проспектини номи ҳам шу билан боғлиқ. Бу проспект 1806 йилдан бери шундай аталиб келинади.

“Восстания” майдони (Ғалаён майдони)

Бу майдон Невский ва Лиговский проспектларини кесишган жойида Москва вокзали ёнида жойлашган. Бу жойлар, аввал Знаменский (Байроқ) майдони деб аталган. Бундай ном билан майдондан бошланиб кетадиган кўча аталган. Қачонлардир бу ердан Лигов канали ўтган вақтларда, у орқали ўтган кўприк ҳам Знаменский деб аталган. Бу барча номларнинг келиб чиқиши, 1794-1804 йилларда бунёд этилган Знаменский черковининг номи билан бевосита боғлиқдир. 1936 йилда Знаменский черкови бузиб ташланади. Ҳозида унинг ўрнида метро бекатининг ер усти биноси жойлашган.

1918 йилда Знаменский майдони қайта номланиб, Восстания (Ғалаён) майдони деб аталади. Бундай ном билан аталишининг сабаби, Октябрь қуролли ғалаёни шарафига номланган, деб ўйлаган кўпчилик хато қилади, аслида эса, бу жой 1917 йили июнь ойида бу майдонда ўтказилган намойиш хотираси шарафига бағишланади, бу намойиш оқибатида қироллик ҳокимияти тахтдан ағдарилиб ташланади. 1923 йилнинг 6 октябрида Знаменский кўчаси ҳам Восстания кўчаси номини олади.

“Гавань” (Бандаргоҳ)

Васильев оролининг ғарбида жойлашган катта худудлар азалдан Гавань деб аталиб келинган. Бу ерда Галерной гаванининг қурилиши 1722 йилда бошланган. Ўшанда ҳовуз ва канал қазилган, дамба барпо қилинган. 18 асрнинг 40 чи йилларида Адмиралтейский қимсдан бу ерга Галерной верфь (верфь-кемасозлик корхонаси) кўчириб, олиб келинади. Бироқ, денгиз қирғоқларининг саёзлиги эвазига, сунъий иншоотлар денгиз портининг асл гавани (бандаргоҳи) сифатига ета олмайди. Ҳозирги бизни даврда Гаванда Денгиз йўловчилар порти жойлашган.

Глинка кўчаси

Глинка кўчаси Мойка дарёси қирғоғи ва Римского-Корсакова проспекти оралиғида орқали ўтади. Бу кўча рус классика мусиқасининг асоскори – Михаил Иванович Глинка номи билан аталган. Буюк бастокор шарафи билан бу кўча 1892 йилда аталган. М.И. Глинка ўз ҳаётини кўп қисмини Петербургда ўтказган. Унинг деарли барча мусиқий асарлари айнан шу шаҳарда дунё юзини кўрган. М.И.Глинка номи билан аталган кўчадан ташқари, Петербургдаги Академик капелла ҳам унинг номи билан аталади. Бу ерда бастакор Филармония Кичик залида капельмейстер лавозимида фаолият олиб борган. Глинка кўчасини кесиб ўтувчи Театр майдонида бу буюк рус бастакорининг ҳайкали қад кўтариб турибди.

“Дворцовой” (Саройлар) майдони

Дворцовой майдони-шаҳарнинг марказий майдони ҳисобланади. Ушбу майдон билан Россия тарихидаги йирик инқилоб воқеалари чамбарчас боғлиқдир. Дворцовой майдони дунёдаги энг ажойиб архитектура ансамбларидан бири саналади. Бу ерда 1754-1762 йиллари архитектор Б.Ф. Растрелли лойиҳасига биноан Қишки сарой барпо этилади, бу сарой 1917 йилгача руч қиролининг қароргоҳи бўлиб ҳизмат қилади. Айни вақтда сарой залида бутун дунёга машҳур Давлат Эрмитажи коллекциялари ўрин олган.

“Загородный” проспекти

Загородный проспекти Владимир майдонидан то Москва проспектигача чўзилиб кетган. Загородный проспект ўз номида шаҳарнинг ўша давр хаётини акс эттиради, ўша замонларда унинг жанубий чегараси Фонтанка дарёси ёқалаб ўтган. Ушбу дарё ортида ер ҳовлилари ва шаҳар ташқарисидаги дала ҳовлилар чўзилиб кетган эди. Загородный проспектининг йўналиши Екатерингофга олиб борадиган эски пиёдалар йўлакчаси туташиб кетган эди. 18 асрнинг 30 чи йиллари бошларида, бу йўлакча ўрнида шаҳарт ташқарисидаги йўл бунёд этилади. Кейинчалик шаҳарнинг қурилиши ва кенгайиши билан Загородный кўчаси шаҳар ичига кириб кетади ва кўчага айлантирилади, кейинчалик ҳам кўча шу ном билан аталиб келинади.

“Зодчий Росси” (меъмор Росси) кўчаси

Бу кўча ўзига хос ягона равишда ягона ҳисобланади. Бу кўча иккита бирхил бинолардан иборат. Кўчанинг эни, биноларни баландлигига мувофиқ тарзда-22 метр, узунлиги эса- 220 метрни ташкил қилади. Кўчани 1824-1834 йиллар давомида барпо этганлар. Аввалида бу кўча “Новой театральной” (янги театр) кўчаси деб аталган. Бу кўча истеъдодли рус меъмори К.И.Росси томонидан яратилган, ҳашаматли архитектура ансамблига киради. 1923 йилда бу кўча Меъмор Росси деб атала бошлаган.

“Инженерная” (Мухандислик) кўчаси ва “Инженерная” қалъаси

Мухандислик ёки Михайлов қалъаси буюк рус меъмори В.И.Баженов лойиҳаси билан 1797-1800 йиллари император Павел I учун қурилган. Қалъанинг замонавий номи, яъни Мухандислик-1823 йилдан буён мавжуд. Бу сана эса, бу қалъа биносига Олий Ҳарбий мухандислик Билим Юрти жойлаштирилиши билан боғлиқ. Қалъада Билим юртидан ташқари, унинг иккита учқаватли биносида Мухандислик департаменти ва мухандислик қисмининг штаби жойлаштирилади. XIX асрнинг 20 чи йилларида К.И. Россининг режасига кўра, Мухандислик қалъасини таркибига кирувчи барча худудларни қайта таъмирлаш бўйича йирик ишлар амалга оширилади. Қалъа атрофидаги канал кўмиб ташланади, кўтарилувчи дарвоза кўприк бузиб ташланади. Ана шунда, яъни 1823 йилда янги кўчага асос солиниб, бу кўча Мухандислик кўчаси деб аталади.

“Исаакиевкая” майдони ва Исаакиев собори

Ушбу майдонни барпо этилиши 18 асрнинг 30-40 чи йилларига бориб тақалади. Лекин майдонни умумий лойиҳаси, уни замонавий қиёфаси Исаакиев собори иншаотини бунёд этиш мобайнида амалга оширилган. Петр I ўзини таваллуд куни шарафига черков қурилишига буйруқ беради. 1710 йилда ушбу черков Адмиралтейсва яқинида бунёд этилади, лекин кўп ўтмай ёниб кетади. 1717 йилда Нева дарёси ёқаларида янги тошдан иборат бўлган черков қурилишига киришилади, лекин 18 асрнинг ўрталарига келиб, бу ҳам бузиб ташланади. 18 асрнинг 60 чи йилларида, янги барпо этилаётган майдон марказида, ҳисоб бўйича учинчи Исаакиев черкови қурилиши бошланади (муқаддас Исаакия Далматский таваллуд куни билан Петр I нинг таваллуд куни тўғри келади). Бу қурилиш жуда узоқ йилларга чўзилиб кетади ва фақатгина 19 аср бошларига келиб якунланади. Кейинчалик бу бинони ҳам бузиб ташлайдилар, унинг ўрнида бўлса, Огюст Монферраннинг лойиҳасига биноан, 1818-1858 йилларда ҳозирги Исаакиев собори бунёд этилади.

“Қозон” собори ва “Қозон” майдони

Ҳозирги Қозон майдони жойлашган худудда, 18 асрнинг биринчи чорагида Переведен слободаси (қўрғон) жойлашган эди. Ушбу қўрғонда Россияни турли минтақаларидан потахтга келтирилган “ишчи одамлар” истиқомат қилганлар. Қозон майдони 19 асрнинг бошларида Қозон соборини бунёд этиш мобайнида пайдо бўлган. Аввал бу ерда, Невский проспекти бўйлаб Рожества муқаддас она черкови жойлашган бўлиб, кейин бузиб ташланади. Қозон соборининг биноси-рус меъморчилигининг таниқли намуналаридан биридир. Бу иншоот 1801-1811 йиллари истеъдодли рус архитектори А.Н. Воронихина лойиҳаси асосида ва унинг бошчилигида бунёд этилган.

Бу соборни Казанский деб ном олишига сабаб, ушбу собор ичига Қозон муқаддас она маъбудаси жойлаштирилган. Бу маъбуда, тарихчиларнинг маълумотларига кўра, 1579 йилда Қозонда топилган ва Иван Грозний ҳукми билан Москвага келтирилган. Пётр I эса, кейинчалик Петербургга олиб келинишига буйруқ берган. Маъбуда аввалида Александр Невский монастирида сақланади, кейинчалик эса, янги бунёд этилган Қозон соборига берилади. 1813 йилда бу ерга буюк рус саркардаси М.И. Кутузов дафн этилган. Соборда шунингдек, ғалаба қозонилган напалеон армиясининг байроғи ва рус қўшинлари томонидан босиб олинган шаҳарларнинг калитлари сақланган.

Янгиликлар

Қирғизистон Божхона иттифоқига кириш учун тайёргарликни бошлади

Таркибига Россия, Белоруссия ва Қозиғистон давлатлари кирувчи Божхона иттифоқи аъзолигига, яна бир давлат қўшилиши мумкин. ЕврАзЭС давлатлари бош вазирлари Қирғизистонни ҳам иттифоққа қабул қилишга қарор қилдилар. Бу борадаги тегишли келишув, Петербургдаги ҳукумат раҳбарлари даражасида ўтказилган ЕвраЗЭС ни Ўзародавйиғини мажлисида имзоланган. Қирғизистон давлати бош вазири в.б. Омурбек Бабановнинг сўзларига қараганда, бунинг учун мамлакатда махсус ишчи гуруҳи тузилган. Ишчи гуруҳи аъзолари Қирғизистонни БИ га қўшилиши борасидаги режа устида иш олиб боришни бошлайдилар, шунингдек, улар Божхона Иттифоқи комиссияси йиғилишларида содир бўлаётган ҳодисалар тўғрисида мунтазам равишда далолат бериб турадилар.

Қирғизистон давлати 2011 йилнинг баҳорида Божхона иттифоқига қўшилишни сўраб, расмий равишда мурожаат қилган эди. Мамлакат бош вазири в.б. Омурбек Бабанов, 17 октябрдаги ўз нутқида маълум қилишича, 2012 йилнинг бошига келиб ҳам Қирғизистон БИ га қўшилишга тайёр бўлмайди. Бабановнинг сўзларига кўра, авваломбор, фуқароларни ишга жойлашуви тўғрисидаги масалалар ҳал этилиши лозим. Агарда Қирғизистон давлати Божхона иттифоқига қўшилса, унда мамлакатда бир неча ўн ёки юз минглаб фуқаролар ишсиз қолиб кетишлари мумкин.

Қирғизистонда "Чўпонлар учун қўлланма" чоп этилди

Қирғизистонда "Чўпонлар учун қўлланма" ўқув қўлланмаси нашр этилди. 19 октябрь куни "Шимол - Жануб" минтақавий ўқув марказида маълум қилишларича, ушбу қўлланма Марказий Осиё университети қошидаги Тоғ бирлашмаларини ўрганиш Маркази билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

"Ушбу нашр этилган қўлланма яйловларни бошқариш соҳасидаги экспертлар учун шунингдек, Қирғизистонни олис минтақаларидаги яйловлардан фойдаланувчи шахслар учун мўлжалланган. Бу ўқув қўлланмада анъанавий ва илмий билимлар баён қилинади, шунинг билан биргаликда, ушбу қўлланмада ҳайвонлар ва яйлов ресурсларини самарадорлигини оширувчи оддий ва самарали асбоб - ускуналар келтириб ўтилган", деб маълумот беради илмий марказда.

Қўлланма қирғиз тилида чоп этилган, деб хабар қилади АКИpress АА.

Қирғизистонда тезкор руҳий ёрдам хизмати жорий қилинади

Яқин вақт ичида Қирғизистонда тезкор руҳий ёрдам хизматини жорий қилиш кўзда тутилмоқда. Бу ҳақда, REGNUM АА мухбирига, 2011 йил 19 октябрда Республиканинг Фавқулодда Вазиятлар вазирлиги пресс хизматида маълум қилинган.

Ушбу лойиҳа аҳолига тезкор руҳий ёрдам кўрсатиш тизимини жорой этишга, мутахасисларни экстремал мураккаб вазиятлар шароитларига тайёрлаш ва бундай вазиятларга Қирғизистон Фуқаролар мудофааси давлат тизими доирасида барҳам берилганидан сўнг реабилитация қилишга йўналтирилгандир.

Хизматни йўлга қўйиш бўйича иш олиб бориш учун республика миқёсида махсус ишчи гуруҳ ташкил этилиб, бу гуруҳ мамлакатдаги етакчи руҳшунос - мутахасислардан, шунингдек, вазирликлар ва бошқа муассасалар вакилларидан иборат бўлади.

Бишкек соғлиқни сақлаш департаменти бош психиатри Кенеш Усеновнинг таъкидлаб ўтишича, қирғизистонликларни руҳий соғлиғи айтарли даражада яхши эмас, республикада сезиларли даражада суицид (ўз жонига қасд қилиш) ҳолатлари ўсди, бу каби ҳолатлар, айниқса, Ош ва Чуй вилоятларида кўпроқ кузатилди. "Қирғизистонда фуқароларни руҳий ёрдам олиш масалалари ўз ечимини топгани йўқ. Бундай вазиятлар, авваломбор, аҳолини заиф табақаларини аҳволини ёмонлаштиради", -дейди Усенов. Шу борада руҳшунос Владимир Школьнойни маълумотларига кўра, 40 % дан кўпроқ Қирғизистон фуқароларини руҳий аҳволи чегарасигача етиб келган, буларнинг барчасига асосий сабаб, 2010 йилда пойтахтда содир бўлган қуролли тўқнашувлар, шунингдек, мамлакат жанубидан рўй берган кўнгилсизликлардир.

Самарқандда шаҳар куни нишонланди

2011 йилнинг 18 октябрь куни Самарқандда Шаҳар кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ушбу байрам тадбири дастури доирасида бир қатор маданий - маърифий ва спорт тадбирлари амалга оширилди.

Шаҳар кўчаларида байрамни бошланишидан дарак берган ҳолда, карнай ва сурнайларнинг баланд садоси бутун шаҳарни қамраб олди. Шодиёна Амир Темур ҳайкалига тантанавий равишда гулдасталар қўйиш билан давом эттирилди.

Самарқанд вилоятининг Ҳамид Олимжон номидаги мусиқа ва драма театри олд майдонида шаҳар ва вилоятнинг таниқли спортчиларини кўргазмали чиқиш маросими ўтказилди. "Чорсу" галереясида фотокўргазма ташкил қилиниб, ушбу кўргазмада қадимий шаҳар тарихидан фото лавҳалар тақдим этилган.

Ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун Ҳамид Олимжон театрида, Чехов номидаги вилоят драма театрида ва Жураева номидаги вилоят қўғирчоқ театрларида болалар спектакллари ҳавола этилди. Ушбу театрлар кириш залини эса "Менинг шаҳрим" мавзусидаги болалар суратлари кўргазмасида иштирок этаётган суратлар безаб турди. Шунингдек, ёш томошабинлар учун вилоят болалар Ижодий уйида шаҳар кунига бағишланган қувноқ концерт дастури ташкиллаштирилди.

Талаба ўсмирлар ҳам эътибордан четда қолмади, айни вақтда пахта далаларида жавлон уриб, пахта йиғим терими билан шуғулланаётган талабалар учун миллий эстраданинг таниқли юлдузлари иштирокидаги концерт дастури амалга оширилди.

Маҳаллий аҳоли ва шаҳар меҳмонлари учун эса, маданият ва истироҳат Марказий сайлгоҳида, шунингдек, "Ёшлик" ва "Сўғдиёна" сайлбоғларида шаҳар ансамбли жамоалари чиқиш уюштириб, йиғилганларни хушнуд этди. Бутун кун мобайнида бу сайлгоҳлардаги аттракционлар аҳолига бепул ҳизмат кўрсатди.

Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятидаги барча меҳрибонлик уйларида, қариялар уйларида ва имконияти чегараланган одамлар учун махсуслаштирилган муассасаларда Инсонпарварлик тадбирлари ва концерт дастурлари ташкил қилинди.

Ўзбекистонда «Real Madrid» ФК академияси очилади

Шу яқин вақт ичида Ўзбекистон Республикасида «Real Madrid» футбол клуби академияси ўз фаолиятини бошлайди.

«Real Madrid Fondation» («Реал Мадрид» академияси филиаллари) вакиллари 2011 йилнинг октябрь ойи ўрталарида Тошкент шаҳрига расмий ташриф билан келадилар. Бу ҳақда www. championat.uz хабар қилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, сўнги икки ой ичида 6 та «Реал Мадрид» академиялари очилган. 2011 йилнинг 5 октябрида Италияда (Милан), 29 сентябрда Португалияда, 28 сентябрда Танзанияда, 20 сентябрда Шарқий Тиморда, 15 сентябрда Мароккода академия ўз фаолиятини бошлаган.

«Ҳаж-2011» мавсуми бошланди

2011 йили 19 октябь куни тонгда Тошкентдаги Миллий авиакомпанияга тегишли бўлган самолёт билан пойтахтдан Мадина шаҳрига, дастлабки 240 зиёратчилар келиб тушдилар. Ушбу мавсумда жами бўлиб, Ўзбекистондан 5080 киши муқаддас ҳаж сафарини амалга оширмоқда.

Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида, бу йили жўнатувлар нафақат Тошкентдан, балки мамлакатни бошқа аэропортларидан, жумладан - Бухоро, Наманган, Самарқанд, Термиз, Урганч, Қарши шаҳри аэропортларидан ҳам йўлга қўйилган.

Зиёратга тайёргарлик кўриш доирасида, бутун республика бўйлаб, ҳаж ва ҳаж сафари масалалари бўйича тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Зиёратчилар менингокок ва гриппга қарши эмлаш олдилар. Бундан ташқари, зиёратчиларга ҳаж сафари тартиби ва урф -одатлари тўлиқ ёритиб берилган видеоматериаллар ва йўриқномалар тарқатиб чиқилган.

Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида, шинам меҳмонхона ижарага олиниб, ушбу меҳмонхона муқаддас Мадинадан 150 м узоқликда, Маккадан эса, 4500 - 5000 м узоқликда жойлашган.

Ўзбекистонликлар зиёратни Мадинадан бошладилар, бу ерда улар уч кеча ва тўрт кунни ўтказдилар. Сўнгра, асосий маросим ҳажни амалга ошириш учун Макка томон йўналдилар. Зиёратчилар барча диний маросимларни амалга ошириб бўлганларидан сўнг, ноябрь ойини ичида ватанга қайтадилар.

Санкт –Петербург шаҳридаги «УМИД» Ўзбекистон ҳамюртлари минтақавий жамияти юридик маслаҳатлар беради!

Ҳурматли ватандошлар!

Сиз ишга рухсатнома олиш учун ҳужжатларингизни турли хил фирмалар ва нотаниш шахслар орқали тайёрлашда фирибгарлар қўлига тушишингиз мумкин. Шундай ҳолатларга тушмаслик учун бизнинг малакали юристлар хизматидан фойдаланишни тавсия қиламиз.

Бизда қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

- **УФМС га ҳужжатлар топширишдан олдин юридик маслаҳатлар бериш;**
- **Иш топиш, иш берувчилар билан меҳнат шартномасига асосан ишга жойлаштириш;**
- **Барча турдаги ҳужжатларни таржима килиш ва нотариал тасдиқлаш;**
- **Ҳуқуқий химоя ва юридик маслаҳатлар кўрсатиш;**
- **Йўқотилган ҳужжатларни шахсан ва фақат элчихона орқали олишга йўлланма бериш:**

199048, Санкт–Петербург, В.О., 13 – линия, д. 6, БЦ «Голицыно» 1 этаж, тел: +7(812) 677-75-49, 677-75-50, E-mail:umidspb@mail.ru

Дар Тоҷикистон фурӯши заминро иҷоза медиҳанд?

Дарояндаҳои наздик деҳқонони Тоҷикистон метавонанд заминҳои худро озодона дар ҳар навъе, ки мехоҳанд, истифода баранд. Чунин хулосаро аз изҳороти муовини раиси Ҳукумати кишвар Муродали Алимардон, ки вай дар рафти Форуми байналхалқии сармоягузори оид ба агробизнес, ки дар пойтахт доир шуд, метавон ҳосил кард.

Тибқи гуфтаҳои вай, дар ҳоли ҳозир мақомоти кишвар ба деҳқонони тоҷик танҳо дар интихоби кишти ин ва ё он зироат "озодӣ додаанд". Ҳамакнун дар барномаҳои ҳукумат ба деҳқонон додани ҳуқуқи фурӯши заминҳои худ, имконн гузоштани заминҳо ба вақти гирифтани қарзҳои бонкӣ баррасӣ мешавад. Ғайр аз ин дар оянда интизор меравад, ки кишоварзон ҳуқуқи меросгузории заминро низ ба даст оранд.

Аммо тавре таҳлилгарони "Раҳбари бурсҳо" тазаккур медиҳанд, на ҳамаи афрод дар Тоҷикистон ба ин хушбоварии ноиби раиси ҳукумати Тоҷикистон дар мавриди масъалаи замин розиянд. Бархе аз таҳлилгарон бар ин назаранд, ки изҳороте ба ин монанд талоше барои омухтани афкори ҷамъият дар мавриди иҷозаи фурӯши замин аст.

Иттифоқи Аврупо ба қатъи ҳукми қатл дар Тоҷикистон исрор меварзад

Намояндагии Иттифоқи Аврупо дар Тоҷикистон икдомгирандаи як мизи гирд дар мавзӯи қатъи ҳукми қатл, дар ин кишвар, буд. Тавре хабарнигори Оҷонсии REGNUM иттилоъ медиҳад, раҳбари намояндагии Иттифоқи Аврупо дар Тоҷикистон, Эдуард Ауэр изҳор дошт, ки Иттифоқи Аврупо ва Шурои Аврупо муҷаддадан дар мавриди ҳамоҳангии худ барои напазируфтани ҳукми қатл ва ҳамчунин доир ба таахуди худ дар бораи пешниҳоди қатъи ҷаҳонии ин навъи ҳукм изҳор медоранд. Ҳамчунин тазаккур дода шуд, ки дилхоҳ ҳукмномаи қатл ба ҳангоми корбурди нодурусти адолати судӣ эълон шуда, ки ҳеҷ кадом низоми ҳуқуқӣ аз он эмин нест, бо худ талафоти барқарорнашавандаи ҳаёти инсонро дорад.

Тавре интизор меравад, дар ҷараёни ин чорабинӣ баррасии мавзӯъоти зайл аз қабили: қатъи ҳукми қатл дар Ҷумҳурии Тоҷикистон, фаъолияти гурӯҳи корӣ оид ба омӯзиши ҷанбаҳои ҳуқуқиву иҷтимоии қатъи ҳукми эъдом дар солҳои 2010-2011, баррасии тавсияҳо оид ба қатъи ҳукми эъдом дар матни Баррасии Умумии Олӣ, фаъолияти институтҳои ҷомеаи маданӣ оид ба тақвияти қатъи ҳукми эъдом ва ҳамчунин муаррифии сомонаи интернетии "Қатъи ҳукми эъдом дар Ҷумҳурии Тоҷикистон" баргузор мегардад.

Ёдрас мешавем, ки дар Тоҷикистон сар аз соли 2004 муҳлати қонунӣ (мораторий) барои ҳукми эъдом амал мекунад. Дар ҳуди ҳамон сол гузинаи қонунии ин навъи маҳкумият ҳабси абад эълон гардида буд. Сарфи назар аз он ки ҳукми эъдом дар Тоҷикистон мушоҳида намешавад, аммо ин навъи ҳукм қонунан вуҷуд дорад. Шумори моддаҳое, ки тибқи онҳо болотарин навъи ҷазо дар Тоҷикистон эълон мегардид, аз 16 адад то 5 – куштор, терроризм, таҷовуз, биотсид ва наслкушӣ кам карда шуд.

Тоҷикистон Қарордод дар бораи минтақаи озоди тиҷориро имзо кард

Қарордод дар бораи минтақаи озоди тиҷорӣро 19 октябр дар шаҳри Санкт-Петербург иштирокдорони ҷаласаи сарони ҳукуматҳои кишварҳои Иттиҳоди давлатҳои мустақил (ИДМ) имзо карданд.

Ин ҳуҷҷатро Русия, Украин, Белорус, Қазоқистон, Арманистон, Қирғизистон, Малдов ва Тоҷикистон имзо гузоштаанд. Озорбойҷон, Узбекистон ва Туркманистон имконоти ворид шуданро то охири имсол меомӯзанд.

Аз ҷониби Тоҷикистон Қарордод дар бораи минтақаи озоди тиҷорӣро намояндаи Тоҷикистон дар ҷаласаи Шурои сарони ҳукумати ИДМ, сарвазири кишвар Оқил Оқилов имзо гузошт.

Дар маҷмӯъ дар дастури кори Шурои сарони ҳукуматҳои ИДМ ба тартиб 30 масъала гузошта шуд. Тибқи ҳисобҳои оморӣ дар нимаи аввали соли ҷорӣ гардиши молу маҳсулот миёни кишварҳои ИДМ бештар аз 48 дар афзуда ва ба зиёда аз 134 миллиард доллар расидааст.

Ноинсоф иш берувчилар рўйхати

Ҳурматли муштарийлар, агарда сиз ёки яқинларингиз, танишларингиз иш бўйича алданган бўлса бизга хабар қилинг. Ушбу Turangazeta@yandex.ru электрон почтага бошингиздан ўтган воқеани батафсил ёзиб, жўнатинг.

Ёки қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг 449-33-51. Шунда сизлар айтган компания ва ташкилотнинг номи бизни ноинсоф иш берувчилар рўйхатимизга тушади ва "Турон" газетаси саҳифаларида омма эътиборига чоп этилади.

Бепарво бўлманглар ва ўз ватандошларингизни кераксиз муаммолардан асранг!

Энди биз "ВКонтакте" да!

В КОНТАКТЕ

Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий "Турон" газетаси - энди бизнинг гуруҳ шундай деб номланади. Бизнинг дўстлик даврамизга қўшилинглар ва газетани яратишда иштирок этинглар. Ўз фикр-мулоҳазаларингиз, хасратларингиз, ҳаёт тажрибангиз, билим ва кўникмаларингизни барча билан баҳам кўринг.

Мол булак.ру
Источник финансового успеха

Тарихдан: 2010 йилнинг оҳирларида Москва шаҳрида ғайриоддий - "МОЛ.БУЛАК.РУ" деб номланган компаниянинг пайдо бўлиши, компаниянинг ўзи учун кичик миқдордаги займларни бериш соҳасидаги узоқ муддатли бизнес лойиҳасини амалга ошириш сари қўйган биринчи қадами бўлди. Компаниямиз Россия, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон фуқаролари учун кичик займлар таклиф этади.

Россия, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон фуқаролари учун займлар

Гуруҳ тарзида гаровсиз

- **Энг кам ҳужжатлар**
- **200 000 рублгача маблағ бериш тўғрисида тезкор қарор қабул қилиш**
- **Ҳужжатлар тўплашда кўмаклашиш**
- **Бепул маслаҳатлар**
- **4 кишидан 10 кишигача гуруҳлар**

© 2011 ООО «МОЛ.БУЛАК.РУ» ОГРН 1107746627779

КОМПАНИЯ ТЎҒРИСИДА

Бош мақсад: Бизнинг бош ижтимоий мақсадимиз иккита асосий таркибий қисмга таянади – Марказий Осиёдан Россияга келган кишиларни қамраб олган ҳолда, одамларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаоллигига кўмаклашиш.Маслаҳат бериш ва молиявий хизматлар кўрсатиш орқали биз одамларни ўзларига хос бўлмаган ҳаёт муҳитида ижтимоий-руҳий ҳамда касбий мослашишларига шароит яратамиз. Биз, ишга жойлашиш мақсадида келган мусофирлар Россия жамиятига саводли тарзда мослашишларини, рус тилини ўрганишларини, маҳаллий қонунлар, жамиятда ўзларини тутиш қоидалари, маданий меъёрларга риоя этишларини хоҳлаймиз.
Бугунги кунда Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Новосибирск, Иркутск ва бошқа бир неча шаҳарлардаги офисларимиз фаол ишлаб келмоқда. Россиянинг бошқа шаҳарларида ҳам янги офислар очилмоқда. "Мол Булак Финанс" (www.mbf.kg) компанияси бизнинг Қирғизистондаги ҳамкоримиз ҳисобланади.
Жамоамиз аъзосига айланмоқчи бўлган барча хоҳловчилар учун компаниямиз эшиклари доимо очиқ!
Бизда қуйидаги бўш иш ўринлари мавжуд: Займ бериш бўйича мутаҳасис, кассир/маълумотлар базаси оператори.

Ҳурмат билан "МОЛ.БУЛАК.РУ" компанияси бош директори, Бабур Тольбаев.

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ

КАССИР/МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ОПЕРАТОРИ

Шароитлар: Тўлиқ бандлик. Ўқиш компания ҳисобидан.
Иш жойлари: Москва ш., Москва вилояти, Екатеринбург, Санкт-Петербург, Новосибирск, Иркутск, Челябинск, Самара, Қозон, Уфа, Нижний Новгород, Оренбург, Владивосток, Хабаровск, Красноярск ва РФнинг бошқа шаҳарлари.
Таҳминий вазифалари: Накд пул маблағларини бериш ва қабул қилиб олиш; Ҳисоблаш дастурида касса операциялари бўйича маълумотлар базасини олиб бориш;
Номзодларга қўйиладиган талаблар: РФ фуқаролигига эга бўлиш; Рус тилида оғзаки ва ёзма саводга эга бўлиш. Ўрта, ўрта махсус, тугалланмаган олий маълумот. Иш тажрибаси - шарт эмас. Махсус ҳисоблаш дастурлари билан ишлаш бўйича кўникмалар, оргтехникалардан фойдалана олишлик. Ўрта Осиё тилларидан бирортасини билиш (ўзб., қирғ., тож.) – афзалликдир.

ЗАЙМ БЕРИШ БЎЙИЧА МУТАХАССИС

Шароитлар: Тўлиқ бандлик. Ўқиш компания ҳисобидан. Мобил алоқа тўланади. Транспорт воситалари ҳаражатлари тўланади.
Иш жойлари: Москва ш., Москва вилояти, Екатеринбург, Санкт-Петербург, Новосибирск, Иркутск, Челябинск, Самара, Қозон, Уфа, Нижний Новгород, Оренбург, Владивосток, Хабаровск, Красноярск ва РФ нинг бошқа шаҳарлари.
Таҳминий вазифалари: Бўлажак мижозларни жалб этиш. Мижозларга займ шартлари бўйича маслаҳатлар бериш. Мижозларни тўлов қобилиятини таҳлил қилиш. Займ олиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш. Займ бериш. Займларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш.
Номзодларга қўйиладиган талаблар: Ўрта Осиёлик шахслар (Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон). РФ фуқаролиги — мақсадга мувофиқ. Тўлиқ ўрта маълумот. Займ бериш соҳасида иш тажрибаси-мажбурий эмас. Рус тилида саводли оғзаки нутқ ва ёза олиш. Ўрта Осиё тилларидан бирида сўзлаша олиш (қирғ., ўзб., тож.) – афзаллик ҳисобланади.
Тиришқоқ, хушмуомала ва кўнгилчан бўлиши зарур.

АЛОҚА УЧУН МАЪЛУМОТ

Москва
Люблино ул. Совхозная, д.39, ТЦ «Люблино», в подвале (м. Люблино) 8 (495) 647-40-77
Тушинская проезд Стратонавтов, д.6 (Автостанция Тушинская) (м. Тушинская) 8 (495) 641-58-08
Пражская Варшавское шоссе, д.129, корп. 2, 3-й этаж (м. Пражская) 8 (495) 641-58-40
Олимпийская ул. Олимпийская, д.16, стр. 2, подъезд 6, этаж 1 8 (495) 609-68-84
Домодедовская Ореховый бульвар, владение 15
Строгино ул. Кулакова, д.20, офис 439, здание А, офис, этаж 1 (м. Строгино) 8 (495) 781-44-12
Войковская Ленинградское шоссе, д.18 (2-ой этаж) (м. Войковская) 8 (495) 988-27-62
Полянка ул. Пятницкая, д.74, ул. Большая Ордынка (м. Добрынинская) 8 (495) 784-79-91
Текстильщики Волжский бульвар, квартал 114 А, корпус 1 8 (495) 641-58-04
Киевская Ул. Киевская, д. 7

Московская область
Королев ул. Калинина д.6Б 8 (498) 681-57-40
Балашиха ул. Крупская, д.13 8 (498) 303-22-83
Одинцово ул. Советская, д.5А
Мытищи Шараповский проезд, стр. 7 8 (495) 641-00-67
Раменское ул. Советская, д.2, Д/Б «Экспресс» 8 (496) 475-40-52
Химки ул. Московская д.14 8 (495) 666-04-21
Долгопрудный ул. Первомайская, д.56А 8 (495) 576-23-38
Люберцы ул. Инициативная, д.1 8 (495) 565-47-99
Зеленоград ул. Заводская, д.1Б 8 (495) 981-54-25
Подольск ул. Комсомольская, д.1
Дмитров ул. Московская, д.3

Санкт-Петербург
Апраксин двор Апраксин переулок, д.4, лит. А, пом. 19 Н (4-й этаж) 8 (812) 710-59-61
Купчино Балканская пл, д.5 лит. И, пом. 1003, 1013 8 (812) 676-41-18 8 (812) 676-41-19
Просвящение ул. Хошимина, д.13, корпус 1 8 (812) 240-22-25, 240-25-26, 240-25-27
Гатчина ул. Соборная дом 7В, лит. А3 8 (812) 438-40-96
Центральный ул. Садовая, 28-30, корп. 1, пом. 81-83. тел. 812 454-67-07

Другие регионы
Новосибирск **Каменская** ул. Каменская, д.78/2 8 (383) 224-84-41 **Коминтерна** ул. Коминтерна, д.16 Б 8 (383) 261-07-07
Южно-Сахалинск ул. Сахалинская, д.59 8 (962) 415-02-33
Пенза ул. Куприна, д.8 8 (8412) 999 -141
Пермь ул. Крылова, д.1 8 (342) 205-76-34
Курган ул. Советская д.128
Иркутск **Шанхай** ул. Партизанская, д.19 8 (3952) 486-485
Смоленск Ул. Ново-Ленинградская, д.11
Кемерово ул. Тухачевского, д.58 8 (3842) 77-70-22 8 (905) 073-14-18
Новокузнецк ул. Селекционная, д.11, корпус 5 8 (952) 174-63-54
Тюмень ул. Некрасова, д.10 8 (909) 184-43-67
Нижний Новгород ул. Литвинова, д.74 Б 8 (831) 272-88-46
Екатеринбург ул. Техническая, д.18 Б, 409 кабинет (4-й этаж) 8 (343) 380-60-20
Улан-Удэ ул. Балтахинова, д.13 8 (3012) 29-75-85
Саратов ул. Большая Казачья, д.49/65 8 (8452) 754-119
Хабаровск Проспект 60-летия Октября, д.156 8 (94212) 755-288
Омск ул. 70 лет Октября, д.34 8 (3812) 70-07-89
Красноярск Проспект им. газеты «Красноярский рабочий», д. 27, стр.74, офис 412 8 (391) 252 53 24
Томск ул. Карла-Маркса, д.48/1 8 (3822) 40-45-86 8 (952) 161-92-49
Ростов-на-Дону Ул. Лелюшенико, д.13/1, офис 1 8 (863) 303-00-76
Владивосток ул. Фадеева, д.1а 8 (423) 263-95-10
Мурманск Проспект Ленина, д.16А
Калининград пл. Победы, д.10

Алоқа учун телефонлар: Россия: +7 (495) 540-55-44 **Қирғизистон:** +996 (312) 97-97-96 **Тожикистон:** +992 (44) 640-11-66

Центр вложений и кредитования
Семейный Капитал

Меҳнат мухожирлари учун Ўзаро ёрдам Кассаларига кассирлар талаб қилинмоқда

Талаблар: олий маълумот, рус ва ўзбек тилларини билиши, ШК да ишлай олиш. Анкеталар қуйидаги манзилда тўлдирилиши мумкин: СПб, Седова кўчаси, 89 уй, "Тошкент" магазини

Маълумот учун телефон: 8-952-353-25-72

Қўнғироқ қилинглар!

Ўзбек дастурхонлари ўзбек меҳмонлари учун

Ҳурматли муштарийлар, барчангизга маълумки, "Тошкент" ўзбек магазинини очилганига ҳали кўп вақт бўлганича йўқ. Ҳозирда "Ўзбекистон" магазинлар тармоғининг иккинчи магазинини очишга тайёргарлик кўрилмоқда, бу магазин серқуёш Ўзбекистонни гўзал вилоятларидан бири бўлган Хоразмни номи билан аталди.

Лойиҳа ташкилотчилари ва магазин яратувчилари бўлажак харидорлар манфаатини кўзлаган ҳолда, тинмай меҳнат қилмоқдалар. Бунга яққол мисол қилиб, октябрь ойининг ўрталарида Ўзбекистондан асл ўзбек дастурхонлари келтирилди. Дастурхон сўзининг маъноси, форсчадан нози - неъмат тузаладиган стол мазмунини англатар экан. Марказий Осиё халқларида ҳар бир хонадон соҳибаси ўз хонадонида, албатта шундай дастурхонни шай ҳолда сақлайди. Келган ҳар бир меҳнонни муносиб тарзда кутиб олиш учун. Дастурхонни одатий кунлардан ташқари, тўй ва шодиёналарда ҳам тўшаш одат тусига айланган. Шу тарзда бирорта ҳам ўзбек дастурхонни тўшамасдан туриб, стол тузашга киришмайди. Анъаналарни эсдан чиқармаслик керак, ҳаттоки, мусофир юртда истиқомат қилаётган бўлсангиз ҳам. Ўзбек магазинларига ташриф буюрган меҳмонлар чойхонада ўтириб, шаҳар икир - чикирларидан ҳоли, мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун "Ўзбекистон" магазинлар тармоғи асосчиси Игорь Белоусов чойхонадаги столларга ўзбек дастурхонларини тўшаттирди. Бу эса, магазинда шарқона меҳмондўстлик ва шинамликни яққол тасвирловчи ва шундай муҳит яратувчи жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, сизлар шунинг билан биргаликда ўзбек магазинларини безатишда бевосита иштирок этишингиз мумкин. Агарда сизларда ўзбек миллий идиш - товоқлари, либослари, турли безаклар ва бошқа буюмлар бўлса, биз уларни бажонидил қабул қилиб олишга тайёрмиз. "Тошкент" магазинига қуйидаги манзил бўйича келишингиз мумкин:

Санкт-Петербург, «Ломоносовская» метро бекати, Седова кўчаси, 89 уй (метродан № 118 сонли автобусда ёки К5 маршруткасида «Бульвар Красных Зорь» бекатигача борилади), ёхуд қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг: 362-08-87. Ўз қўлингиз билан ватанни бир бурчагини барпо этинг, азиз ватандошлар!

Ўрта Осиёликлар учун мўжжалланган "Хоразм" озиқ-овқат магазини манзили: "Комендантский проспект" метро бекати, Комендант проспекти, 31 уй, литер А.







Фрунзе. Инқилоб арбоби

Биласизми, таниқли совет инқилобчиси, Қизил Армия ташкилотчиларидан бири, Фуқаролар уруши қаҳрамони М.В. Фрунзе, ўзи асли келиб чиқиши Қиргизистоннинг ҳозирги пойтахтидан экан? Биласизми, бу шаҳар 1926 йилдан токи 1991 йилга қадар унинг номи билан атаб келинган?

Михаил Васильевич Фрунзе1885 йили 21 январда (2 февралда) Туркистон ўлкасини Семиречье вилояти Пишпек шаҳрида (ҳозирги Бишкек), ҳарбий фельдшер оиласида дунёга келган.

Фрунзе Пишпек шаҳар билим юртини тамомлаганидан сўнг, Верного шаҳридаги гимназияга ўқишга кириб, у ерни олтин медаль билан битирган. Айнан шу ерда у илк бор инқилоб ғоялари билан танишди. 1904 йилда Петербург политехника институтини иқтисодиёт бўлимига ўқишга қабул қилинади. Талабалар ва ишчилар давраларида фаол иштирок этиб, РСДРП большевиклар фракциясига аъзо бўлади. Шу йилнинг ноябрь ойида Михаил Фрунзени илк бор қамоққа оладилар, кейинчалик эса уддабурон инқилобчилар сонини кўпайтирган ҳолда, пойтахтдан бадарға қилиб юборилади.

1905 йили 9 январдаги "Қонли якшанба" да Фрунзе Петербургдаги Дворцовой майдонидаги намойишда қатнашиб, қўлидан жароҳат олади. Кейинчалик Михаил Васильевични тан олишича, айнан мана шу воқеа уни "инқилобдаги генераллар" га олиб келади.

1905 йилдан 1907 йилларга қадар инқилобчи Фрунзе Москва шаҳрида партиявий ишларни олиб боради, Иваново-Вознесенске, тўқимачиларни таниқли иш ташлаш намойишини ташкиллаштирган шахслардан бири бўлади. 1905 йилнинг декабрь ойида у Москвадаги Қизил Преснеда жангларда иштирок этади. 1906 йилда Стокгольмдаги РСДРП нинг IV съездида делегат сифатида иштирок этиб, у ерда В.И. Ленин билан шахсан танишади. 1907 йилда эса РСДРП ни IV съездида ҳам делегат этиб тайинланади, лекин ҳибсга олиниб, тўрт йилга мажбурий машаққатли меҳнатга ҳукм қилинади. Маҳбусликда бўлишига қарамасдан, Фрунзе полицияга қуролли қаршилик кўрсатиш иши бўйича жавобгарликка тортилиб, икки маротаба ўлим жазосига ҳукм қилинади, кейинчалик эса, бу ўлим жазоси омма фикри босими остида, 6 йилга оғир меҳнат жазоси билан алмаштирилади.

1914 йилда у бутун умрга Шарқий Сибирга сургун қилинади. 1916 йилда қочиб кетишга муваффақ бўлади, ва ноқонуний яшириниб юришига қарамасдан Ғарбий фронт аскарлари орасида инқилоб тарғиботлари олиб боради.

1917 йилдаги февраль инқилоби бошларида Фрунзе маркази Минск шаҳри бўлган инқилоб ташкилоти раҳбари ва Ғарбий фронт армиясини бўлинмаси бошлиғи бўлган. Октябрь инқилобига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фаол қатнашган, ғалабадан сўнг Иваново-Вознесен губисполки, партия қўмитаси, ҳарбий комиссариатни бошқаради. Булардан ташқари Михаил Фрунзе большевикларни Таъсис мажлиси депутати ҳам бўлган.

1918 йилдан бошлаб Фрунзе, фуқаролар урушини фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади: 1919 йилда Колчакни яксон этган Шарқий фронт армиясини Жанубий гуруҳига қўмондонлик қилади, Туркистон фронти қўшинларини қўмондони, ВЦИК ва РСФСР да Туркистон масаласи бўйича комиссия аъзоси лавозимида фаолият юритади.

1920 йилда у Бухоро амирлиги армиясига қарши кураш олиб боради, П.Я. Врангельни яксон этилишида бошчилик қилади. 1920 йилнинг кузида Қизил Армия Қримни қўлга киритган вақтда, Фрунзе асирга тушганларга раҳмшавқат қилиниши тўғрисида буйруқ беради, Врангельга телеграф мактуби йўллаб, қуролларини топширганларни тўлиқ авф этишни, сўнгра ҳоҳишга кўра, мухожирликка жўнатилишини таклиф этади, бунинг эвазига "ҳаддан таш-қари раҳмдиллик шартлари" дан ҳайратланган Лениндан қатъий танбеҳ олади.

Қримдаги оқ зобитлар, жазоловчи учлик (Пятаков, Землякча, Кун) томонидан олиб борилган беҳуда жангларда Фрунзе иштирок этмайди, чунки бу вақтда у Украинага Н.И. Махно билан жанг олиб бориш учун жўнатилган бўлади. Кейинчалик у Украина ва Қримни барча Қуролли Кучлари қўмондони, Республикани Инқилоб Ҳарбий Кенгаши вакили этиб тайинланади.

Жасурона ҳарбий бошқарувчанлиги учун Михаил Васильевич Фрунзе Фахрий Инқилоб қуроли ва иккита Қизил байроқ ордени билан тақдирланади.

1924 йилнинг мартида у СССР Ревволенсовети (инқилоб ҳарбий кенгаши) бошлиғи ўринбосари лавозимига тайинланади, 1924 йил апрель ойидан бошлаб шу билан биргаликда Қизил Армия штаб бошлиғи ва Ҳарбий Академия бошлиғи лавозимида фаолият юритади.

Фрунзе бошчилиги остида 1924-1925 йилларда Л.Д. Троицкий томонидан бошланган -армия сонини камайтириш, яккабошчилик тизимини киритиш, Қизил Армия ҳарбий аппарати ва сиёсий бошқармасини қайта тузиб чиқиш, доимий армия Қуролли Кучлар ва ҳудудий-милиция тузилмалари таркибини бирлаштириш каби ҳарбий ислоҳотларни ўтказади.

Бундан ташқари, Михаил Фрунзе бир қатор ҳарбий назарий ишларни муаллифи ҳисобланади. У томонидан ишлаб чиқилган ҳарбий доктрина марксизм тизимини ҳарбий назариятда қўллаб ишланган ва армияни сиёсий бўлимларида ва коммунистик бўлакларида алоҳида аҳамиятга сазовор бўлган.

Михаил Васильевич Фрунзе 1925 йилнинг 25 октябрида ошқозон ярасини жарроҳлик операцияси қилинганидан сўнг қонни умумий заҳарланиши оқибатида (расмий хулоса) вафот этади. Бундан ташқари, яна бир тахминлар мавжуд бўлиб, унинг ўлими тасодифий бўлмаган, яъни Сталин томонидан уюштирилган бўлиб, айнан у операция қилинишига мажбур қилади. Фрунзени операция қилган тўртала жарроҳ шифокорлар ҳам 1934 йили бирин кетин вафот этадилар.

Бу тахминлар бир қанча бадиий асарларда ҳам келтириб ўтилган: Борис Пильнякни "Сўнмаган ой повести", Василий Аксёновни "Москва сагаси" романи, шунингдек, бу асарлар асосида саҳналаштирилган фильмларда ҳам бу тахминлар олға сурилади. Қотилликни уюштирилганлиги тўғрисидаги тахмин Б. Бажановнинг "Сталинни собиқ котиби хотиралари" китобида ҳам келтириб ўтилган. Михаил Фрунзе вафотининг эҳтимоллик сабаблари, "Петербург-бешинчи канал" каналида 2009 йили 20 ноябрда зангори экранга узатилган "Ўлимдан сўнг" телекўрсатувини бош мавзуси этиб олинади. Дастур бошловчилари Лев Лурье ва Татьяна Устиновалардан ташқари, мунозарада таклиф этилган экспертлар ҳам иштирок этадилар, жумладан: Виктор Тополянский («Сквозняк из прошлого. Время и документы»("Ўтмишдаги елвизак. Вақт ва ҳужжатлар") деб номланган Собиқ Иттифоқи давлатининг биринчи шахслари ўлимини текшириши китоби муаллифи), судтибэксперт Вячеслав Попов (тиббиёт фанлари доктори, "Судебная медицина. Компетенция и нравственность» ("Суд тиббиёти. Ваколат ва аҳлоқ") китоби муаллифи), тарихчи Сергей Полтораклар иштирок этганлар. Фрунзе Москва шаҳридаги Қизил Майдонда Кремл деворларига дафн этилган.

Михаил Фрунзенинг оиласи

Турмуш ўртоғи– Софья Алексеевна Попова, народоволецнинг қизи.

Ўғли–Тимур Михайлович Фрунзе – учувчи, Собиқ Иттифоқи қаҳрамони (вафотидан сўнг тақдирланган).

Қизи–Татьяна Михайловна Фрунзе – профессор, кимё фанлари доктори, 60-70-чи йиллардаги органик кимё бўйича йирик мутахасис. Унинг турмуш ўртоғи-Анатолий Георгиевич Павлов –элга танилган совет ҳарбий раҳбар, генерал-полковник, СССР БШ БРБ (ГРУ) бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Михаил Васильевич Фрунзе номи шарафига аталган:

► Фрунзе чўққиси – Помир шимолидаги Зулумарт тоғ тизмаларидаги тоғ чўққичи (Ўрта Осиё жанубидаги тоғ тизмалари);

► «Михаил Фрунзе» тўрт палубали дарё йўловчилар теплоходи, Чехословакияда 1930 йилда қурилган;

► М.В.Фрунзе номидаги "Арсенал" ишлаб чиқариш бирлашмаси (Санкт-Петербург).

Собиқ Иттифоқ давлатларининг жуда кўплаб кўчалари Фрунзе шарафига унинг номи билан аталган. Уларнинг баъзилари 1991 йилдан сўнг қайта номланган.

Бишкекда – М.В. Фрунзенинг қадрдон шаҳри – у туғилиб, вояга етган кўча ҳам унинг номи билан аталади. Шу ерда Фрунзени уй музейи жойлашган.

Москва шаҳрида – 1-чи Фрунзенская, 2-чи Фрунзенская, 3-чи Фрунзенская кўчалари ва Фрунза қирғоғи (бу кўчалар «Фрунзенская» метро бекати яқин атрофида жойлашган).

Метрополитен станциялари:

«Фрунзенская» метро бекати Москвада, Санкт-Петербургда ва Минскда.

Петербургда шунингдек, Фрунзе тумани ҳам мавжуд бўлиб, бу туман аҳолиси шаҳарнинг 6% аҳолисини ташкил этади.

У ерда деарли 390 минг киши истиқомат қилади.

Энди биз "ВКонтакте"да!

Бизни гуруҳ шундай деб номланади-Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий "Турон" газетаси. Бизни дўстлик даврамизга қўшилинглар ва газетани яратишда иштирок этинглар. Ўз фикр-мулоҳазаларингиз, хасратларингиз, ҳаёт тажрибангиз, билим ва кўникмаларингизни барча билан баҳам кўринг.

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран», первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Игорь Белоусов
Главный редактор: Маматмуминов Махмут
Выпускающий редактор: Ташкина Анастасия
Корреспондент: Михайлова Ирина
Дизайнер-верстальщик: Петров Евгений
Переводчик с русского на узбекский: Таштемиров Ильёр

Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, проспект Обуховской обороны, 116, корпус 1, редакция газеты «Туран», бизнес-центр «Троицкое поле», Ст. м. «Пролетарская»
Телефон: (812) 449-33-51, E-mail: TuranGazeta@yandex.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров
Время подписания в печать: по графику - 19. 10. 2011, фактическое - 19. 10. 2011

Отпечатано в типографии ОАО "Первая Образцовая типография, филиал "Санкт-Петербургский газетный комплекс" 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ № 736
Газета зарегистрирована в Управлении Федеральной службы по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций по СПб и ЛО, ПИ № ТУ 78-00840.
Газета распространяется бесплатно.

«Турон», Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: Белоусов И.Н.
Бош муҳаррир: Маматмўминов Махмут
Чоп этувчи муҳаррир: Ташкина Анастасия
Дизайнер-ҳарф терувчи: Евгений Петров
Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Тоштемиров Элёр

Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, проспект Обуховской обороны, 116 уй, корпус 1, "Турон" газета таҳририяти, бизнес-центр «Троицкое поле», «Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 449-33-51, E-mail: TuranGazeta@yandex.ru
Газета тиражи: 15 000 нусхада.

ОАО "Первая Образцовая типография, филиал "Санкт-Петербургский газетный комплекс" типографиясида босилди. 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ № 736. Газета зарегистрирована в Управлении Федеральной службы по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций по СПб и ЛО, ПИ № ТУ 78-00840. Газета бепул тарқатилади.
Время подписания в печать: по графику - 19. 10. 2011, фактическое - 19. 10. 2011